

**2022/2023 ЙИЛГИ МАВСУМДА
ЎЗБЕКИСТОН ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЛИГАСИ
ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ФУТЗАЛ МУСОБАҚАЛАРИ
РЕГЛАМЕНТИ**

**UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE**



Мазкур Регламент (бундан буён — Регламент) Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан тасдиқланган. Ушбу Регламент Ўзбекистонда профессионал ва ярим профессионал футбол клублари ўртасидаги 2022/2023 йилги мусобақаларни ўтказишнинг шартлари ва низомларини белгиловчи, ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛ уставлари ҳамда амалдаги қонунчилликка мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатдир.



**UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE**

1-боб	Умумий қоидалар	8
2-боб	Мусобақаларнинг мақсад ва вазифалари	8
3-боб	Мусобақаларни бошқариш	8
4-боб	Мусобақалар ўтказиладиган жой	9
5-боб	Маркетинг, ҳомийлик ва мусобақаларни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар	9
6-боб	Мерчендайзинг	11
7-боб	Футзал клубларининг Мусобақаларда иштирок этиши учун молиявий шартлар	11
8-боб	Мусобақада иштирок этиш шартлари	12
9-боб	Мусобақалар хужжатлари ва уларни расмийлаштириш тартиби	14
10-боб	Футзалчилар билан тузилган меҳнат шартномаларини рўйхатга олиш тартиби	15
11-боб	Хорижлик футзалчи ва мутахассисларни рўйхатдан ўтказиш учун алоҳида шартлар	16
12-боб	ЎзПФЛ рўйхатидан ўтган футзалчининг Мусобақадаги иштирокини тартибга солиш	16
13-боб	ЎзПФЛ комиссарининг Мусобақалардаги фаолияти	17
14-боб	Мусобақаларда ҳакамлик қилиш	18
15-боб	Мусобақаларда назоратчилик қилиш	19
16-боб	Ҳакамлар қарорига шикоят ёки эътиroz бериш тартиби	20
17-боб	Футзал учрашувларини ўтказиш тартиби	21
18-боб	Футзал клублари, клублар раҳбарлари ва футзалчиларнинг мажбурияти	24
19-боб	Мусобақа иштирокчиларининг либосларига қўйиладиган талаблар	26
20-боб	Футзал клубларининг ОАВ билан ишлашига оид талаблар	26
21-боб	Мусобақаларни ўтказиш формати	27
22-боб	Мусобақа ғолибларини аниқлаш	27
23-боб	Мусобақа ғолибларини тақдирлаш	28

UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE

Тўлиқ ва қисқа номлар — атамалар таърифи

Мусобақаларни бошқариш	
ФИФА	Халқаро футзал федерациялари ассоциацияси
ОФК	Осиё футзал конфедерацияси
ЎФА	Ўзбекистон футбол ассоциацияси
ЎФА маъмурияти	ЎФА президенти, вице-президентлари, ЎФА бош котиби
ЎзПФЛ	Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси
ЎзПФЛ маъмурияти	ЎзПФЛ бош директори, Мусобақалар ўтказиш бўлими бошлиғи, Лицензиялаш бўлими бошлиғи, Клубларни ривожлантириш бўлими бошлиғи
ҲИҚ	ЎФАнинг Ҳакамлик-инспекторлик қўмитаси
ЭҚ	ЎФАнинг Этика қўмитаси
ТИҚ	ЎФАнинг Тартиб-интизом қўмитаси
ФМТҚ	ЎФАнинг Футзалчиларнинг мақоми ва трансфери бўйича қўмитаси
НХП	Низоларни ҳал қилиш палатаси
ҲА	ЎФА Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий ассоциациялари
РЎО	ЎзПФЛнинг рўйхатдан ўтказувчи органи
Мусобақа иштирокчилари	
ПФК	Профессионал футзал клуби
ЯПФК	Ярим профессионал футзал клуби
ҲФК	Ҳаваскор футбол клуби
ФА	Футбол академияси
ФММ	Футбол маҳорат мактаби
БўФМ	Болалар-ўсмиirlар футбол мактаби
БўСМ	Болалар-ўсмиirlар спорт мактаби
Мусобақалар	
Мусобақалар	Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан ўтказиладиган барча мусобақалар
Олий лига	Ўзбекистон профессионал футбол клубларининг олий тоифали мусобақаси
U-18 чемпионати	Профессионал футзал клублари қошида ташкил этилган U-18 жамоалари иштирокидаги мусобақа
Биринчи лига	Ўзбекистон профессионал ва ярим профессионал футбол клубларининг биринчи тоифали мусобақаси
Ўзбекистон кубоги	Профессионал, ярим профессионал ва ҳаваскор футбол клублари иштирокидаги мусобақа

Суперкубок	Олий тоифали мусобақа ғолиби ва Ўзбекистон кубогининг амалдаги ғолиби ўртасида ўтадиган мавсумолди учрашуви
Аёллар мусобақалари	Аёллар жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати (Олий лигаси) ва Ўзбекистон кубоги мусобақаси
Учрашув	ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган мусобақалардаги расмий ўйинлар
Расмийлар	
Учрашув комиссари	ЎзПФЛ томонидан учрашувнинг ташкил этилиши ва ўтказилишини назорат қилиш учун тайинланган шахс
ЎзПФЛ нинг ҳудудий вакили	ЎзПФЛ билан шартнома асосида фаолият олиб борувчи ҳудудлардаги мутахассис
Учрашув инспектори	ЎФА томонидан тайинланган ва учрашув давомида ҳакамларни баҳолаб борадиган шахс
Футзал ҳаками	ЎФА томонидан футзал ўйини қоидалари ва тартибга соловчи бошқа ҳужжатларга мувофиқ учрашувни назорат қилиш ва бошқариш учун тайинланган шахс
Спорт мажмуаси расмийси	Учрашув ўтадиган мажмуа учун жавобгар шахс
Клуб расмийси	Учрашув вақтида клуб учун жавобгар бўлган ҳамда ЎзПФЛ рўйхатидан ўтган жамоа учун масъул шахс (футзалчидан ташқари)
Хавфсизлик учун масъул	Ички ишлар, Миллий гвардия, ФВВ ходимлари, шунингдек, клубнинг хавфсизлик бўйича офицери, спорт мажмуаси стюардлари
Маҳаллий координатор	ҲА масъул ходими
Бошқа атамалар	
Мехнат шартномасини рўйхатга олиш	Клубга тегишли футзалчи ёки расмий шахсларни мусобақаларда иштирок этиши учун меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказиш жараёни
Трансфер	Футзалчининг ўтиши (трансфери) деганда унинг мусобақаларда иштирок этишига рухсат берилиши билан якунланган бир клубдан бошқасига ўтиши
Трансфер шартномаси	Футзалчининг ўтиш тартиби, муддати ва шартлари (шу жумладан, харажатларни қоплаш шартномаси мавжудлигида футзалчиларнинг ўқитилиши, тайёрланиши, маҳоратини такомиллаштириши учун сарфланган

Трансфер ойнаси	харажатларни тўлаш)ни белгиловчи, футзал клублари ёки футзал клуби ва спорт мактаби ўртасида тузиладиган икки томонлама келишув Футзал клубининг футзалчини сотиб олиши ёки сотиши, шунингдек, ижарага бериши ёки олиши амалга ошадиган давр
ХТС	Халқаро трансфер сертификати
Ижара шартномаси	Икки клуб ва футзалчи ўртасида тузиладиган, ўтишнинг тартиби, муддати ва шартлари (шу жумладан, тўловлар)ни белгилайдиган уч томонлама шартнома
Футзалчининг ижараси	Футзалчининг ижараси деганда клуб билан шартнома тузган футзалчининг бошқа клубга қўйидаги шартлар асосида вақтинчалик ўйнаш учун ўтиши назарда тутилади:
Спорт мавсуми	<ul style="list-style-type: none"> • ўтиш пайтида футзалчи ва у муайян вақтга тарк этмоқчи бўлган клуб ўртасида кейинроқ ҳам давом этадиган шартноманинг мавжудлиги, бу шартнома футзалчини бошқа футзал клубида вақтинчалик ўйнаганидан сўнг томонларнинг меҳнат муносабатларини қайта тиклаш ихтиёри борлигидан далолат беради; • футзалчи янги клубга ўтишига қадар амалдаги меҳнат шартномасига эга бўлган клубига футзалчининг тарбияланиши учун сарфланган харажатлар қопланиши хуқуқининг сақлаб қолиниши <p>календаръ йили доирасида расмий мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва бевосита мусобақалар вақтини ўз ичига олган давр. Мусобақалар даври ЎзПФЛ қатнашчилари ўртасида ўtkазиладиган биринчи расмий учрашув кунидан бошланади ва охирги расмий учрашув куни билан якунланади.</p>
Трансферларни рўйхатга олиш даври	Футзалчининг келгуси ёки жорий мусобақаларда иштирок этиши учун у клубдан бу клубга ўтиши мумкин бўлган давр

Легионер	Ўзбекистон футзал клубига ишлаш учун таклиф этилган чет эл фуқароси (футзалчи)
Хорижий мутахассис	Ўзбекистон футзал клубига ишлаш учун таклиф этилган хорижик фуқароси
Воситачи (учинчи шахс, агент)	Футзалчининг бир клубдан иккинчисига трасфери амалга ошаётганда унинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласидиган ёки футзалчининг амалдаги шартномаси якунига етиб бораётган вақтда унинг келгуси режалари юзасидан музокарага киришиши мумкин бўлган, шу футзалчи билан қонуний ёзма келишуви мавжуд бўлган шахс.



**UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE**

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Регламент футзал бўйича Олий лига, U-18 чемпионати, Биринчи лига, Ўзбекистон кубоги, аёллар чемпионати, эркаклар Суперкубоги каби мусобақаларни (кейинги ўринларда – Мусобақалар) ўтказиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси, профессионал ва ярим профессионал футзал клублари ёки бошқа ташкилотларнинг таклифи билан ҳам алоҳида мусобақалар ўтказилиши мумкин. Мазкур мусобақаларни ўтказишида ЎзПФЛ иштироки ҳам бўлса, у ҳолда мусобақа ЎзПФЛ бош директори билан келишилган низом асосида ўтказилади.

Мазкур Регламент ўзбек тилида чоп этилган.

2-боб. Мусобақаларнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Мусобақаларнинг мақсадлари ва вазифалари қўйидагиларни:

- Ўзбекистон футзалини ривожлантириш йўлида миллий чемпионат ўйинларини профессионал даражада ташкил этиш;
- Ўзбекистон футзалчиларнинг маҳорат даражасини ошириш;
- Ўзбекистонлик ёш футзалчиларнинг маҳорат даражасини ошириш ҳамда уларнинг профессионал спортга кириб келишлари механизмини такомиллаштириш;
- Ўзбекистон терма жамоалари ва профессионал футзал клубарини халқаро мусобақалар: жаҳон чемпионатлари, Осиё кубоги, ёпик иншоотларда ўтадиган Осиё ўйинлари, клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этиши учун тайёрлаш ва муваффақиятли иштирок этишига кўмаклашиш;
- футзал мухлисларининг ҳордик чиқаришларини ташкил этиш;
- Ўзбекистон футзалини тарғиб этиш ва шу йўл орқали ўзбекистонлик футзалчиларнинг чет эл клублари назарига тушиши учун ҳаракат қилиш;
- ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган Мусобақаларда ғолибларни аниқлаш;
- ОФК мусобақаларида иштирок этадиган клубларни аниқлашни назарда тутади.

3-боб. Мусобақаларни бошқариш

3.1. Мусобақаларни бошқариш ташкил этиш ва ўтказилишини назорат қилиш ЎзПФЛ томонидан амалга оширилади.

3.2. Иккинчи лига мусобақаси ҳамда Иккинчи лигадан Биринчи лигага ўтиш ўйинларини бошқариш ташкил этиш ва ўтказишни назорат қилиш ЎФА томонидан амалга оширилади.

3.3. Мусобақалар ушбу Регламент, шунингдек, ФИФА, ОФК, ЎФД, ЎзПФЛ томонидан тасдиқланган мазкур Регламентга киритилган қўшимчалар, маҳсус низомлар ва иловалар асосида ўтказилади.

4-боб. Мусобақалар ўтказиладиган жой

4.1. Мусобақалар Лицензиялаш бўйича Регламент асосида ЎзПФЛ томонидан рухсат этилган спорт мажмуаларида ўтказилади. Ўзбекистон Олий лигаси, U-18 чемпионати, Биринчи лигаси ва аёллар чемпионати, эркаклар ўртасидаги Суперкубок учрашувлари учун спорт мажмуаси ЎзПФЛ томонидан танлаб олинади.

4.2. Мусобақада иштирок этувчи клублар ўз спорт мажмуасига эга бўлиши керак. Агар футзал жамоаси ўз спорт мажмуаси орқали Мусобақага мезбонлик қилиш истагини билдирса ҳамда уй учрашувини ўтказиш учун бошқа ташкилотта қарашли мажмуа билан шартнома тузиш мажбурияти юзага келса, у ҳолда мазкур шартнома ЎзПФЛ иштирокида уч томонлама тузилиши шарт.

4.3. Мусобақа ўтадиган кундан бир кун аввал мезбон томон ЎзПФЛ комиссарига спорт мажмуасининг мусобақасининг кетма-кет кунларда ўтадиган барча ўйинларга тайёргарлиги тўғрисида далолатнома тақдим этади. ЎзПФЛ комиссари мазкур далолатномасиз Мусобақани ўтказмасликка ҳақли.

5-боб. Маркетинг, ҳомийлик ва мусобақаларни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар

5.1. ЎзПФЛ ўз юрисдикцияси остида бўлган Мусобақалар ва барча бошқа тадбирлар билан боғлиқ ҳуқуқларга, уларнинг мазмuni, вақти, жойи бўйича қонунчиликка оид бирор-бир чекловларсиз эгалик қиласди. Ушбу ҳуқуқлар, жумладан, молиявий ҳуқуқларнинг ҳар қандай турлари, ҳар қандай шакл (тўғридан-тўғри эфир, ёзув ёки видеолавҳалар)да ёзилган аудиовизуал ва радиоёзувларга нисбатан ҳуқуқлар, ижро этиш ва эфирга узатиш, мультимедиа ҳуқуқлари, маркетинг ва реклама ҳуқуқлари, шунингдек, эмблема ёки муаллифлик ҳуқуқида келиб чиқувчи интеллектуал мулк ҳуқуқларини ўз ичига олади.

5.2. ЎзПФЛнинг мусобақалар билан боғлиқ тижорат ва телевизион ҳуқуқларига шу жумладан:

- ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган Мусобақалар расмий ҳомийлари (шу жумладан, бош ҳомий) ва ҳамкорлар билан ишлаш ва шартномалар тузиш;
- Мусобақаларнинг ЎзПФЛ томонидан тасдиқланган номланишлари, логотипи ва бошқа расмий белгиларидан реклама, тижорат мақсадларида фойдаланиш;
- телевизион ҳуқуқлар, учрашувлардан тўла ҳажмда ва ҳар қандай техник усусларда жой ва мазмuni бўйича ҳеч қандай чекловларсиз телевизион сигнални ишлаб чиқариш ва бутун дунёга узатиш, трансляция лавҳаларидан информацион дастурларда, ҳафталик шарҳларда ва бошқа дастурларда фойдаланиш, ҳар бир учрашувнинг трансляциясини интернетда жойлаштириш учун фойдаланиш ҳуқуқи;

- Мусобақаларда иштирок этувчи клублар ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш учун бош ахборот ҳамкор, телерадиоузатувчилар ёки бошқа ташкилотлар билан музокаралар олиб бориш ваколатини ЎзПФЛга топширади;
- учрашувларни эфирга узатиш ҳуқуқини қўлга киритган телерадиоузатувчилар мусобақа бош ҳомийси ва расмий ҳамкорлар реклама роликларини эфирга жойлаштиришлари шарт. Реклама роликларини узатиш тартиби ЎзПФЛнинг "Тижорат Регламенти" билан белгиланади;
- радио ҳуқуқлар – учрашувлар радио сигналини ишлаб чиқиш ва бутун дунёга барча диапазонларда мазмун бўйича ҳеч қандай чекловларсиз узатиш ҳуқуқи;
- визуал ҳуқуқлар – учрашув давомида маълумот сақловчи манбалардан ва спорт мажмуасидаги визуал худуддан, шу жумладан, телевизион камералар кўрадиган зоналардан реклама ва информацион материалларни жойлаштириш учун фойдаланиш (тегишли спорт мажмуасининг футзал майдонининг периметри бўйлаб реклама қурилмаларида, футзалчилар ва ҳакамлар либосларида шевронлар кўринишида, захирадаги футзалчиларнинг ўриндиқларида визуал рекламани жойлаштириш ҳуқуқи), жумладан, тегишли спорт мажмуасининг электрон-информацион таблосида ҳамда бошқа ахборот манбаларида визуал рекламани жойлаштириш ҳуқуқи;
- учрашув давомида спорт мажмуасида аудиорекламани жойлаштириш ҳуқуқи;
- телефон алоқаси орқали sms-трансляция олиб бориш ҳуқуқи;
- интернет телевидение – тадбирларнинг видео ва/ёки аудиосини қисмлари TCP/IP протоколи асосида битта манзил майдони орқали мантикий равища ўзаро боғланган глобал ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда эфир орқали, кабель орқали омма эътиборига ҳавола қилиш, оммавий намойиш этиш тарқатиш
- беттинг – спорт ўйинларига пул тикилувчи (азарт ўйинлар, интерфаол букмекерлик конторалари, тотализаторлар, спорт мусобақалари бўйича гаров) маҳсус интернет сайтлар, мобил иловаларда интернет орқали кириш имкониятини бериш ва мобил алоқа орқали, шунингдек, тасвирини ва/ёки аудиони тарқатишнинг қонун билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай усууллари орқали спорт мусобақалари видеотрансляциясини амалга ошириш
- учрашувдан кейинги матбуот анжумани, клуб футзалчилари ва расмий шахслар билан ўтказиладиган флеш-интервью материалларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқи;
- мерчендайзинг маҳсулотларини намойиш қилиш, бепул тарқатиш ва сотиш ҳуқуқи (учрашувда мезбонлик қиласидиган клуб билан келишилган равища), шунингдек, мусобақанинг расмий ҳомий/ҳамкорлари номидан спорт мажмуасида маҳсус совринларни эълон қилиш ҳуқуқи;

- ўйин майдонининг периметри бўйлаб реклама тўсиқларининг мусобақанинг бош ҳомийси ва расмий ҳамкорлари логотиплари ҳамда бошқа маълумотларини жойлаштириш учун фойдаланиш ҳуқуқи. Клуб томонидан фойдаланиладиган реклама тўсиқларининг сонини кўпайтириш масаласи шартли равишда ЎзПФЛ билан тижорий асосда келишилади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ФИФА, ОФК ва ЎФА томонидан белгиланган қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

5.3. Ушбу ҳуқуқларни эксклюзив асосда ёки учинчи томон билан ҳамкорликда ёки тўлалигича учинчи томон воситачилигига амалга оширилиши ҳақидаги қарор фақат ЎзПФЛ томонидан қабул қилинади. Тижорат ва телевизион ҳуқуқлардан фойдаланишга оид барча масалалар мусобақа иштирокчилари учун ижро этилиши мажбурий бўлган ЎзПФЛнинг “Тижорат Регламенти” билан белгиланади.

5.4. Учрашув ўтказилиши билан боғлиқ, барча босма материалларда, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, чипталар, ахборотномалар, афиша ва веб-сайтларда расмий ҳомийларга тегишли ахборот жойлаштирилиши шарт.

5.5. Учрашувлар вақтида спорт мажмуаси худудидан жой оладиган ҳомийлар ҳақидаги ҳар қандай реклама-ахборот тусига эга материал ЎзПФЛ маркетинг бўлими билан расмий келишилган бўлиши лозим.

5.6. Мусобақа титул ҳомийси эксклюзив ҳуқуқларга эга бўлиб, ЎзПФЛ титул ҳомий талабига кўра мазкур ташкилотга рақобатдош бўлган бошқа ташкилотлар билан боғлиқ рекламаларни телетрансляциялар вақтида ҳамда майдон периметри бўйлаб кўрсатишни тақиқлаш ҳуқуқига эга.

5.7. Регламентнинг маркетинг соҳаси ва тегишли маркетинг ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ бирор-бир бандига риоя қилмаган клубга нисбатан молиявий интизомий чоралар кўрилади.

5.8. ЎзПФЛ ҳомийлари мусобақаларга ҳомийлик қилиш бўйича қўйган шартлар ЎзПФЛнинг “Тижорат Регламенти” асосида тартибга солинади.

6-боб. Мерчендайзинг

6.1. Футзал клублари мерчендайзинг маҳсулотлари (клубнинг рамзлари туширилган сувенир маҳсулотлари)ни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга. Агар маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш олдидан унда ЎзПФЛ логотипи ёки ҳомийларига тегишли жойлар бўлса, аксессуарлар эскизи ва дизайнни ЎзПФЛ маркетинг бўлимига тасдиқлаш учун тақдим этилиши лозим.

6.2. Мусобақалар иштирокчилари янги мавсум олдидан ўз мадхияси ва рамзига (маскот) эга бўлиши тавсия этилади.

7-боб. Футзал клубларининг мусобақаларда иштирок этиши учун молиявий шартлар

7.1. Мусобақаларда фаолият олиб борувчи ҳакамлар бригадаси, назоратчилар ҳамда комиссарлар учун икки томонлама йўлкира, яшаш ва овқатланиш билан боғлиқ харажатлар тўлови ЎзПФЛ ҳисобидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Ҳакамлар бригадаси ҳамда назоратчилар учун чиқимлар Ўзбекистон футбол ҳакамлари марказига ўтказиб берилади.

7.2. Мусобақаларда фаолият олиб борувчи расмий шахслар хизмати учун тўловлар ЎзПФЛ Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

7.3. Жарималар бўйича қарздорликни тўламаган ёки белгиланган муддатда тўлиқ тўламаган клуб ЎзПФЛ Ижроия қўмитаси томонидан ЎзПФЛ қатнашчилари сафидан чиқарилиши мумкин. Бунда футбол клуби жаримага тортилган бўлса ва мазкур жарима 1 ой ичida тўлаб берилмаса, иш тегишли қўмитага қайта оширилади ҳамда нисбатан жиддийроқ санкция қўлланилади. Шунингдек, жаримага тортилган жамоа расмийси ёки футзалчиси учун клуб 1 ой ичida белгиланган жаримани тўлаб бермаса, жаримага тортилган шахс лицензияси ЎзПФЛ томонидан қайтариб олинади. Мазкур қарздорлик мавсумнинг сўнгги ўйинига қадар қоплаб берилмаса, жамоа расмийси ёки футзалчисининг қарздорлиги клуб қарздорлиги сифатида қайд этилади.

7.4. "Лицензиялаш регламенти" талабларига кўра, клублар йилда икки марта ЎзПФЛ томонидан жалб этилган аудиторлар томонидан аудит текширувидан ўтказилади. Аудит хизмати учун тўлов клуб томонидан қопланади.

7.5. Клублар ҳар чорақда кейинги ойнинг 25-санасига қадар молиявий ҳисботни (бухгалтерия баланси, 1-шакл) ҳамда молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботни (2-шакл, сарф-харажатлар ва даромадлар тавсифи) ЎзПФЛга тақдим этиши лозим.

8-боб. Мусобақада иштирок этиш шартлари

8.1. Мусобақаларда иштирок этувчи жамоаларнинг Мусобақага қўшилиши ёки ундан чиқиб кетиши масаласи ўтган мавсум мусобақалари натижасига кўра аниқланади. Бироқ клуб Мусобақада қайси ўринни эгаллашидан қатъи назар агар у лицензиялаш талабларини бажара олмаса, ЎФА Лицензиялаш қўмитаси лицензиялаш таҳлиллари асосида ўз хуносасини тақдим этиши ҳамда мазкур хуноса асосида клубни ЎзПФЛ қатнашчилари сафидан чиқариб ташлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.2. Мусобақа иштирокчилари 2023/24 йилги мавсумда иштирок этишлари учун 2023 йилнинг 31 майига қадар "Лицензиялаш регламенти" талабларини бажаришлари шарт.

8.3. "Лицензиялаш регламенти"га (ёки ЎФА Ижроия қўмитаси қарорига) кўра талаб қилинган U-18 жамоасини ташкил қилмаган ёки уларнинг мусобақалардаги иштирокини таъминлай олмаган Олий лига клуби 2023/24 йилги мавсум учун клубларни лицензиялашдан ўтказиш талабларидан ўта олмаган

хисобланади. Мазкур жамоаларнинг 2023/24 йилги Мусобақада иштирок этиши масаласи ЎФА томонидан кўриб чиқилади.

8.4. Олий лига клубларининг U-18 жамоалари U-18 чемпионатида иштирок этиши шарт. Биринчи лига клуби ўзининг U-18 жамоаси билан U-18 чемпионатида иштирок этиши мумкин. Бунинг учун клуб 2022 йилнинг 30 сентябрига қадар ЎзПФЛ билан алоқага чиқиши ва ташкилотни ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Давлат ва давлат улуши бор ташкилот томонидан молиялаштириладиган Олий ва Биринчи лига клуби ўз қошида U-18 жамоасини ташкил этиши ва унинг мусобақалардаги иштирокини таъминлаши шарт.

8.5. Мавсум натижаларига кўра юқорироқ лигада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган клуб ушбу ҳуқуқдан воз кечса ёки унда мазкур лигада иштирок этишучун Регламент асосида тўсиқ бўлса, унинг ўрни мавсум якунига кўра кейинги ўринни эгаллаган бошқа клуб билан тўлдирилади. Бунда янги қўшилаётган клуб лицензиялаш талабларига жавоб берishi шарт.

Ҳукумат қарори, “Лицензиялаш регламенти” ва/ёки ЎФА Ижроия қўмитаси қарори асосида футзал клубини ташкил қилиши шарт бўлган футбол клубининг спорт тамойилларига зид равишда қуий лигага туширилиши истаги/таклифи қабул қилинмайди.

8.6. Тур учрашувига узрсиз сабабларга кўра келмаган ёки бошқа сабабга кўра техник мағлубият қайд этилган жамоага шу турдаги иштирок этмаган учрашувлари учун 0:5 ҳисобидаги техник мағлубият, рақиб жамоага эса 5:0 ҳисобидаги техник ғалаба ёзилади. Иккита тўлиқ тур учрашувларига тенг микдордаги ўйинларда иштирок этмаган ва техник мағлубият ёзилган жамоа ЎзПФЛ Ижроқўми қарори билан қатнашчилар сафидан чиқарилади.

Агар бирор клуб учрашувни давом эттиришдан бош тортса ва ўша вақтда ҳисоб 0:5 дан йирикроқ қўринишда бўлса, учрашувни давом эттиришдан бош тортган клубга мавжуд ҳисоб билан техник мағлубият ёзилади.

Агар учрашув якунига кўра бирор клубга техник мағлубият ёзиш зарурияти вужудга келса ва ўша жамоа учрашувда 0:5 ҳисобидан йирикроқ мағлубиятга учраган бўлса, техник мағлубият мавжуд ҳисоб билан қайд этилади.

8.7. Мусобақалардан четлаштирилган жамоа агар учрашувларнинг 50 фоизидан камини ўтказган бўлса (Олий лигада 16 ўйин ва ундан кам), унинг натижалари ва урилган голлар бекор қилинади. Огоҳлантириш ва четлаштиришлар ўз кучини сақлаб қолади. Агар жамоа учрашувларнинг 50 фоизи ва ундан кўпини ўтказган бўлса (Олий лигада 17 ўйин ва ундан кўп), бундай жамоага қолган учрашувлар учун техник мағлубият (0:5), рақиб жамоаларга эса техник ғалаба (5:0) ёзилади. Огоҳлантириш, четлаштириш ва урилган голлар ўз кучини сақлаб қолади.

Форс-мажор ҳолати сабаб мусобақа форматига ўзгартириш киритилган бўлса, ўйинлар фоизини аниқлаш шу ўзгаришга асосан ҳисобланади.

8.8. Агар клуб мазкур Регламентга кўра ЎзПФЛ томонидан мусобақадан чиқариб юборилса, аммо фаолиятини давом эттирса, у ҳолда мазкур клубга ЎзПФЛ

олдидағи мажбуриятларини түлиқ бажариш шартыда келаси мавсумни битта қуий лигадан бошлаш имконияти берилиши мүмкін.

8.9. Агар клуб фаолиятини тугатса, у ЎзПФЛ қатнашчилари сафидан четлаштирилади. Ҳар қандай бошқа клуб шу клубнинг номи, ҳар қандай атрибутлари, белгилари, рамзлари ва тарихидан фойдаланишига йўл қўйилмайди. Агар мазкур клуб фаолиятини қайта тикласа, у ҳолда ўз иштирокини ҲА томонидан ўтказиладиган Иккинчи лига мусобақасидан бошлаши керак.

8.10. Профессионал футзал клуби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ўз номи ёки ташкилий-хуқуқий шакли ўзгарса, янги клуб аввалги клубнинг хуқуқий вориси ҳисобланади ва футзалчилар, мураббийлар, клубнинг бошқа ходимлари олдида ойлик иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар бўйича ҳисобкитоблардаги бузилишлар учун тўлиқ жавобгар бўлади. Шунингдек, у ЎФА, ЎзПФЛ ва Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари олдидағи қарздорликни тўлаш учун жавобгар ҳисобланади. Кейинчалик ушбу клубнинг ЎзПФЛ ўтказадиган мусобақаларда иштирок этишига рухсат ЎзПФЛ Ижроия қўмитаси қарори билан берилади. Мазкур ҳолатда клубнинг янги эгаси қарздорлик масаласини ҳал қилиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, бироқ қарзлардан қутулишга янги мавсум стартига қадар улгурмаса, у ҳолда вилоят ҳокимининг расмий кафолати остида мазкур клубга мусобақада иштирок этиш учун рухсат берилиши мүмкін.

8.11. Клуб ва шу клуб қошидаги фарм-клуб қайд этган натижасидан қатъий назар бир мусобақада иштирок этишига йўл қўйилмайди.

9-боб. Мусобақалар ҳужжатлари ва уларни расмийлаштириш тартиби

9.1. ЎзПФЛ мусобақаларида иштирок этувчи клуб дастлаб шартли равишда лицензиялаш/мониторинг жараёнидан ўтиши лозим.

9.2. Ариза ҳужжатларини расмийлаштириш ЎзПФЛ томонидан белгиланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади. Ариза ҳужжатларини расмийлаштириш муддатларига амал қилмаганлик учун ЎФАнинг "Интизом кодекси"га мувофиқ жарима солинади. Қайта ариза беришга жарима тўланганидан кейингина рухсат берилади.

9.3. Клубнинг ЎзПФЛ билан боғлиқ ҳужжатларини расмийлаштириш ҳуқуқи клуб раҳбарияти томонидан ваколатли шахсларга (спорт директори, техник директор ёки лицензиялаш менежери) берилади.

9.4. Мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳужжатлари расмийлаштирилганидан сўнг лицензиялар клубнинг ваколатли вакилига унинг имзоси билан тасдиқланган шахсий маъсулияти остида тақдим этилади.

9.5. "Лицензиялаш регламенти"га асосан клуб ўзнинг қуийдаги раҳбарияти таркибини ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиш шарт: бош директор, бош мураббий (level 3), ёрдамчи мураббий (level 2), дарвозабонлар мураббий (level 1), жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий (level 1), маъмур, шифокор.

Агар жамоа бош мураббийида level 3 лицензияси мавжуд бўлмаса, клуб мазкур мутахассисни 2022/23 йилги мавсум сўнгига қадар level 3 лицензияси учун ўқув курсларида таҳсил олиши юзасидан кафолат тақдим этиши шарт.

9.6. Давлат ва давлат улуши бор бўлган ташкилотлар томонидан молиялаштириладиган клублари U-18 жамоаси мураббийи билан тузилган шартномаларни ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиши шарт. Бунда асосий жамоанинг ёрдамчи мураббийи level 2 лицензиясига эга бўлгани ҳолда U-18 жамоаси мураббийи сифатида фаолият олиб боришига рухсат этилади.

10-боб. Футзалчилар билан тузилган меҳнат шартномаларини рўйхатга олиш тартиби

10.1. Футзалчиларни мусобақаларга рўйхатдан ўтказиш 2022 йилнинг 1 июнидан 2022 йилнинг 31 август кунига қадар давом этади. Қишки трансфер ойнаси эса 2022 йилнинг 26 декабридан 2023 йилнинг 7 январига қадар очик бўлади.

10.2. Футзал клуби футзалчи билан йилнинг исталган даврида шартнома тузиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартнома имзоланган кунидан бошлаб 1 ой ичида ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказилиши шарт.

10.3. Футзалчини мусобақада иштирок этиши учун қўшимча ариза билан рўйхатга қўшиш мумкин. Талаб этиладиган ҳужжатлар:

- ўтиши ва шартномасини тасдиқловчи илова;
- трансфер шартномаси (ёки ижара шартномаси);
- футзалчи учун машғулот компенсацияси тўланганлигини далилловчи маълумотнома.

10.4. Клуб ўз расмийси билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилса, ЎзПФЛ уч кун ичида бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилиши ҳамда озод этилган шахс лицензияси ЎзПФЛга топширилиши лозим.

10.5. Футзал клуби қишки трансфер ойнасида Олий лига, Биринчи лига ёки хорижий клуб жамоасида бунгача тўп сурган 5 нафардан ортиқ бўлмаган янги футзалчини рўйхатдан ўтказиши мумкин. Бунда клуб томонидан ижарага олинаётган футзалчи ҳам янги футзалчи сифатида қайд этилади. Ҳаваскор футболчи/футзалчини рўйхатдан ўтказиш бундан мустасно.

10.6. Футзал/футбол клублари ўзларига қарашли бўлган футзал/футбол академияси/мактаби ёки шу клубига бириктирилган ФММ, БўФМ тарбияланувчиларини (2005 ва ундан кейин туғилган), шунингдек, бошқа клуб сафида рўйхатдан ўтмаган 2005 ва ундан кейин туғилган футболчини чегараланмаган миқдорда йилнинг исталган даврида ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказишлари мумкин.

10.7. Клуб ўз академияси/мактаби тарбияланувчисини мусобақалар учун футзалчилар сонига нисбатан белгиланган чекловга қўшимча равишда рўйхатдан ўтказиши мумкин. Бироқ бошқа академия/мактаб тарбияланувчиси ёки 2005

йилдан катта футзалчини рўйхатга қўшишда футзалчилар сонига нисбатан белгиланган чеклов чегарасидан чиқилмаслиги керак.

10.8. Футбол клубининг футбол жамоаси сафида рўйхатдан ўтган ёки шу клуб билан амалдаги шартномаси мавжуд бўлган футболчининг мазкур клуб футзал жамоасида рўйхатдан ўтишига фақатгина трансфер ойнаси вақтида рухсат этилади. Бунда мазкур футболчининг футзал жамоасига қўшилиши жамоа учун футзалчиларни рўйхатдан ўtkазиш учун тақдим этилган квотадан ошмаслиги керак.

10.9. Жарима санкциялари ва бошқа қарздорлиги мавжуд клубларга Мусобақаларда қатнашиш учун ариза ҳужжатларини расмийлаштириш учун рухсат берилмайди.

10.10. Футзалчининг тиббий кўрикдан ўтганлиги борасидаги маълумотнома тақдим этилмагунига қадар, у билан тузилган шартнома рўйхатдан ўtkазилмайди. Бунда тиббий кўрик хulosалари ЎзПФЛ комиссияси томонидан белгилаб берилган тартиб бўйича олиб борилиши ва футзалчининг ҳар бир текширув бўйича таҳлили алоҳида-алоҳида хulosса билан тақдим этилиши шарт.

10.11. Рўйхатдан ўtkазилмаган меҳнат шартномаси билан боғлиқ низолар ЎФА қошида ташкил этиладиган Низоларни ҳал этиш палатасида кўриб чиқилади.

11-боб. Хорижлик футзалчи ва мутахассисларни рўйхатдан ўtkазиш учун алоҳида шартлар

11.1. ЎзПФЛ мусобақалари учун 4 нафаргача хорижлик футзалчини (кейинги ўринларда — легионер) рўйхатдан ўtkазиш мумкин.

11.2. Клуб хорижий мутахассисни рўйхатдан ўtkазмоқчи бўлса, унинг лицензияси ОФК талаб қилган шартларга тўла мос келиши шарт.

11.3. Легионер футзалчига лицензия фақатгина тегишли орган томонидан тақдим этиладиган меҳнат фаолияти ҳуқуқини берувчи тасдиқнома қабул қилиб олинганидан сўнг берилади. Унга қадар легионер футзалчининг Мусобақаларда ҳаракат қилиши тақиқланади.

12-боб. ЎзПФЛ рўйхатидан ўтган футзалчининг мусобақалардаги иштирокини тартибга солиш

12.1. Ўз клуби билан тузган шартномаси (келишув битими) сабаб ЎзПФЛ рўйхатидан ўтган футзалчининг ЎФА ҳамда ЎзПФЛ рўйхатидан ўтган бошқа ҳар қандай клуб сафида майдонга тушиши тақиқланади. Акс ҳолда унинг клубига нисбатан жарима санкцияси қўлланилади.

Ҳаваскорлар ўртасидаги ҳар қандай мусобақа ташкилотчиси турнир олдидан профессионал футзалчилар ҳақида маълумот сўраб расман мурожаат қилса, ЎзПФЛ ўзи рўйхатдан ўtkазган барча профессионал футзалчи ҳақида маълумот тақдим этиши инобатга олиниши керак.

12.2. Олий лига клуби 15–25 нафар футзалчини ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиши керак.

12.3. U-18 чемпионатида 2005 йилдан катта 1 нафар футзалчининг иштирок этишига рухсат этилади.

12.4. Олий лига ва Биринчи лига клубларининг U-18 чемпионатида иштирок этувчи жамоаси камида 15 нафар шу ёш тоифасидаги (2005) футзалчини рўйхатдан ўтказиши керак.

12.5. Биринчи лига клуби 15–25 нафар футзалчини ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиши керак.

12.6. Аёллар чемпионати жамоалари 15–25 нафар футзалчини ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказиши керак.

12.7. Футзалчи ўзи рўйхатдан ўтган клубнинг асосий таркибидан бошқа жамоаларида майдонга туша олмайди (1 нафар футзалчининг U-18 чемпионатида иштирок этиши бундан мустасно).

12.8. Клуб бир клубга бир мавсумнинг ўзида 2 нафардан ортиқ футзалчини ижарага бериши мумкин эмас. Шунингдек, клуб бир мавсум давомида умумий ҳисобда 6 нафардан кўп футзалчини ўзи иштирок этаётган лиганинг бошқа клубига ижарага бериши мумкин эмас (2005 йил ва ундан кейин туғилган футзалчилар мазкур лимитдан мустасно ҳисобланади).

12.9. Футзалчи ижарага берилган тақдирда у ўзининг асл шартномаси мавжуд бўлган клубга қарши ўйнашга ҳақли. Ижара шартномаси муайян сумма эвазига тузилган бўлса, у ҳолда мазкур бандга зид келувчи шарт қўйиш тақиқланади.

12.10. U-18 чемпионатида тўп сурувчи футзалчи билан йил охиригача бўлган меҳнат шартномаси ёки келишув битими имзоланиши керак. U-18 жамоаси таркибида рўйхатдан ўтган футзалчи шу жамоанинг Олий лига ёки Биринчи лига мусобақасидаги асосий жамоаси таркибида йилнинг исталган даврида майдонга тушиши мумкин. Бунинг учун U-18 жамоаси аъзоси билан професионал меҳнат шартномаси тузилиши керак.

13-боб. ЎзПФЛ комиссарининг Мусобақалардаги фаолияти

13.1. Учрашувни ташкил этиш ва ўтказишни назорат қилиш учун ЎзПФЛ комиссари тайинланади.

13.2. Учрашувни бошлаш ёки уни ўтказмаслик масаласи бевосита ЎзПФЛ комиссари томонидан ҳал қилинади.

13.3. ЎзПФЛ комиссарлари рўйхати маҳсус ўқув-семинарида иштирок этиб, унинг якунига кўра тавсия этилган ЎФА, ЎзПФЛ ҳамда ЎзПФЛнинг ҳудудий вакиллари орасидан шакллантирилади ҳамда ЎзПФЛ бош директори томонидан тасдиқланади.

13.4. ЎзПФЛ комиссарини учрашувга тайинлаш ЎзПФЛ бош директори томонидан амалга оширилади.

13.5. ЎзПФЛ комиссари Мусобақа стартидан камида 30 дақиқа аввал захира ҳаками ва клуб расмийси билан биргаликда учрашув қайдномасига футзалчиларнинг исми-фамилияси ва рақамларини (ўсиш тартибида), шунингдек, расмий шахсларни лавозимини кўрсатган ҳолда киритиши керак.

13.6. ЎзПФЛ комиссари учрашувни мазкур Регламентга мувофиқ ташкил этиш, хавфсиз ўтказилишини назорат қилиш, хуқуқ-тартибот органлари, спорт мажмуаси ва клублар расмийлари, футзалчилар, томошибинлар ҳаракатларини баҳолаш учун масъул ҳисобланади.

13.7. ЎзПФЛ комиссари учрашувга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасида баҳсли масалалар юзага келган ҳолларда хал этувчи овозга эга.

13.8. Назоратчи ва ҳакамлар бригадаси ЎзПФЛ комиссарига бўйсунади.

13.9. ЎзПФЛ комиссарлари "Футзал яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича декларация"ни имзолаганидан кейингина Мусобақага қўйилади.

13.10. ЎзПФЛ комиссари билан боғлиқ мажбуриятлар ва комиссарликка оид ваколатлар "Комиссар йўриқномаси"да акс этади.

14-боб. Мусобақаларда ҳакамлик қилиш

14.1. Ҳакамлик мазкур Регламент, "Футзал ўйини қоидалари" (2021/2022 йилларда чиқарилган), шунингдек, IFAB томонидан қабул қилинган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида амалга оширилади.

14.2. Мусобақаларда ҳакамлик қилишга Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази томонидан тавсия этилган ҳакамлар қўйилади.

14.3. ЎФА ва ЎзПФЛ штат ходимлари, худудий футбол ассоциациялари раҳбарлари, шунингдек, футзал клубарида фаолият олиб борувчи шахсларнинг ҳакамлик қилишига йўл қўйилмайди.

14.4. Олий лига, Биринчи лига, Ўзбекистон кубоги, Суперкубок, аёллар чемпионати каби учрашувларга ҳакамлар ЎФА Футбол фаолиятини назорат қилиш маҳсус инспекцияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази томонидан тайинланади.

14.5. Жамоаларнинг учрашувга тайинланган ҳакамларни алмаштириш борасидаги мурожаатлари қабул қилинмайди.

14.6. Агар учрашувга тайинланган ҳакамлар бригадаси учрашувга етиб кела олмаган бўлса, Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази учрашувга Ҳаннинг малакали ҳакамларидан бирини тайинлайди.

14.7. Учрашув бошланишидан камида бир соат олдин бош ҳакам ЎзПФЛ комиссари билан бирга футзал майдонини кўздан кечиради ва унинг сифатини 5 баллик тизимда баҳолайди. Мазкур баҳо ўйин қайдномасида кўрсатилади.

14.8. Захира ҳаками ва ЎзПФЛ комиссари клуб расмийларининг ҳужжатларини текширади. Улар жамоа раҳбарлари билан биргаликда футзалчиларни учрашувга қўйиш қоидаларига риоя қилиниши учун масъулдир.

14.9. Майдонга чиқишдан аввал ҳакамлар бригадаси учрашув қайдномасига киритилган футзалчилар лицензияларини текшириши, шунингдек, футзалчиларнинг рақамлари учрашув қайдномасига мос эканини солиштириши лозим.

14.10. Захира ҳаками майдон периметри бўйлаб техник ва бошқа зоналарга оид хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун масъулдир.

14.11. Учрашув якунлангандан сўнг бош ҳакам ЎзПФЛ комиссари билан бирга 30 дақиқа давомида учрашув қайдномасини тўлдириши лозим. Агар учрашув давомида огоҳлантиришлар, четлаштиришлар ва футзалчиларнинг жароҳатлари, шунингдек, спорт мажмуасида тартиббузарликлар юз берган бўлса, бош ҳакам ЎзПФЛ комиссари билан биргалиқда бу ҳақда батафсил учрашув қайдномасида баён этиши керак.

14.12. Учрашувдан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейин, шунингдек, ҳакамлар хонасида ёки ҳакамлар бригадасининг йўлида юз берган барча нохушликлар ва четлаштиришлар (иккинчи огоҳлантириш ва "яққол гол уриш учун имкониятидан маҳрум қилиш" учун четлаштириш бундан мустасно) ҳақида бош ҳакам ва унинг ёрдамчилари ЎзПФЛ комиссарини огоҳлантириб, ЎзПФЛ бош директори номига билдирги хати юбориши шарт.

14.13. Ҳакам учрашувда юз берган огоҳлантириш ёки четлаштирищ бошқа нохушликлар ҳақида маълумотни қайдномага киритиши ЎзПФЛ комиссарига билдирмаган бўлса, у ЎФА "Интизом кодекси"га мувофиқ учрашувларни олиб борищдан четлаштирилади.

14.14. ЎФҲМ ва ЎзПФЛ ўзаро келишган ҳолда Мусобақага хорижлик ҳакамлар ёки ҳакамлар гуруҳини жалб қилишга ҳақли.

14.15. Ҳакамлар бригадаси ЎзПФЛ комиссарига бўйсунади.

15-боб. Мусобақаларда назоратчилик қилиш

15.1. Мусобақаларда назоратчилик қилишга ЎФА Ҳакамлик-инспекторлик қўмитаси томонидан тавсия этилган назоратчилар қўйилади.

15.2. Жамоаларнинг учрашувга тайинланган назоратчини алмаштириш ҳақидаги мурожаати қабул қилинмайди.

15.3. Назоратчи мазкур Регламент, "Футзал ўйини қоидалари" (2021–2022 йилларда чиқарилган), шунингдек, IFAB томонидан қабул қилинган ўзгартиш ва қўшимчалар, "Футзал бўйича мусобақаларда ҳакамлик сифати учун ҳакамларни баҳолаш бўйича йўриқнома" талабларига қатъи риоя этиши шарт.

15.4. ЎзПФЛ комиссари бўлмаган учрашувларда назоратчи спорт мажмуаси ва тегишли хизматларнинг учрашувни ўтказишга тайёр экани, шунингдек, мазкур Регламентда ўйин ўтказиш учун талаб қилинган бошқа ҳужжатлар мавжудлигини текшириши лозим. Агар ушбу ҳужжатлар бўлмаса ёки мазкур Регламент талаблари бажарилмаса, назоратчи клуб директори ва спорт мажмуаси дирекциясидан

аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этишті, спорт мажмусини учрашувга тайёрлашни талаб қилиши зарур.

15.5. Учрашувдан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейинги четлаштиришлар (иккінчи огохлантириш ва “охирги умид фоли” учун четлаштириш бундан мустасно), шунингдек, ҳакамлар хонасида ёки ҳакамлар бригадасининг йўлида юз берган барча нохушликлар, ҳакамликнинг сифати бўйича эътиroz ёки шикоятлар келтирилиши ҳақида назоратчи ЎзПФЛ бош директори номига билдиришнома тақдим қилиши керак.

15.6. Назоратчи учрашув якунидан сўнг 48 соатдан кечиктирмай ЎзПФЛга ўрнатилган шаклдаги билдиргини электрон тарзда етказиши шарт.

15.8. Назоратчи ЎзПФЛ комиссарига бўйсунади.

16-боб. Ҳакамлар қарорига шикоят ёки эътиroz бериш тартиби

16.1. Ҳакамларнинг қарорлари бўйича шикоят ёки эътиroz мазкур Регламентга мувофиқ берилади ва кўриб чиқилади.

16.2. Агар ҳакамликнинг сифатига нисбатан жамоаларнинг бирида эътиrozлар мавжуд бўлса, бош мураббий ёки клуб директори учрашув якунига етганидан кейинги 20 дақиқа ичида бу ҳақда учрашув комиссарига маълум қилиши зарур. Ҳакамлик сифати бўйича эътиrozлар ЎзПФЛ комиссари томонидан учрашув қайдномасида қайд этилади ва жамоа вакили томонидан имзоланади. Шундан сўнг 24 соат ичида кўрсатилган учрашувнинг видеоёзуви (учрашувдаги аниқ ҳолатларнинг дақиқалари келтирилган вазиятнинг қисқача таърифи) ЎзПФЛга тақдим этилади (учрашув видео ёзувининг бўлиши учун шикоят қилаётган клубнинг ўзи масъул ҳисобланади). Бунда ҳакамнинг мазкур Регламент ва “Ўйин қоидалари” талабларидан келиб чиқсан ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан эътиroz берилади. Учрашув қайдномаси ЎзПФЛ комиссари, назоратчи ва бош ҳакам томонидан имзолаб бўлингач, шикоят ва эътиrozлар қабул қилинмайди.

16.3. Куйидагилар кўриб чиқилмайди:

- белгиланган муддатда киритилмаган шикоят ёки эътиrozлар;
- учрашув қайдномасида қайд этилмаган шикоят ёки эътиroz;
- 48 соат давомида клуб шикоят ёки эътиroz учун пуллик тўловни амалга оширмаган шикоят ёки эътиroz.

16.4. Шикоят ёки эътиroz мазмунида уни киритиш учун асос бўлган сабаблар, шунингдек, Регламентнинг бузилиши ва/ёки футзал ўйини қоидаларига риоя қилмаслик билан боғлиқ тафсилотлар келтирилиши лозим.

16.5. Учрашув ўтказиши ташкил этиш билан боғлиқ шикоят ёки эътиroz ЎзПФЛ комиссарига учрашув бошланишидан камида 30 дақиқа олдин ёзма равищда тақдим этилади ҳамда ЎзПФЛ комиссари мазкур эътиrozномани учрашув билдиргисига илова қиласиди. Ўйин ҳолати бўйича эътиroz эса комиссар томонидан учрашув қайдномасига ёзилади.

16.6. Учрашув ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ шикоят ёки эътиroz келтирилгани ҳақида рақиб жамоа/спорт мажмуаси расмийси огохлантирилиши ва шикоятнинг бир нусхаси унга тақдим этилиши керак.

16.7. Учрашув билан боғлиқ шикоят ёки эътиrozларни кўриб чиқиш учун шикоят берувчи томонидан қўйида келтирилган миқдорда пуллик тўлов ЎзПФЛ ҳисоб-рақамига келиб тушганидан сўнг, ЎзПФЛ шикоят ёки эътиrozни тегишли қўмитасида кўриб чиқиш учун ЎФАга оширади. Шикоят ёки эътиroz мазкур шикоят учун тўлов амалга ошганидан кейинги 7 кун муддат ичидан кўриб чиқилади. Учрашув билан боғлиқ шикоят ёки эътиrozларни кўриб чиқиш учун 3 000 000 (уч миллион) сўм миқдорида тўлов амалга оширилади.

16.8. Шикоят ёки эътиroz мазмуни учрашув видеоёзуви ва қайдномаси, шунингдек, ЎзПФЛ комиссари, ҳакамлар ва назоратчи билдиргисида акс этган маълумотлар билан асосланиши керак.

16.9. Шикоят ёки эътиrozларни кўриб чиқиш учун амалга оширилган пуллик тўловнинг қайтарилишига шикоят ёки эътиrozнинг қаноатлантирилиши, шикоят ёки эътиrozда келтирилган тафсилотларнинг асосланган ва мазкур Регламентга зид эканлигининг тан олиниши асос бўлади.

16.10. Клуб ўз шикоят ёки эътиrozи кўриб чиқилиши учун тўловни учрашувдан кейинги беш банк иш куни ичидан амалга оширмаса ва бу вақтда шикоят ёки эътиroz қайтариб ҳам олинмаган бўлса, мазкур клуб шу бобнинг 16.7-бандида кўrsatилган тўлов миқдорининг teng ярмини жарима сифатида тўлаб беради.

16.11. Агар футзал клуби киритган эътиroz ёки шикоятини 48 соат ичидан қайтариб олса, клубга нисбатан интизомий чоралар қўлланилмайди.

17-боб. Футзал учрашувларини ўтказиш тартиби

17.1. Клуб бир кун давомида биттадан ортиқ ўйинда иштирок этиши мумкин эмас.

17.2. Учрашувлар давомийлиги 20 дақиқадан (тоза вақт) 2 тайм бўлади. Таймлар орасидаги танаффус 10-15 дақиқа (учрашув комиссари вазиятдан келиб чиқиб кўrsatилган дақиқалар ичидан маълум вақтни белгилаш хукуқига эга). Кубок учрашувлари қўшимча таймларга қадар чўзилса, учинчи ва тўртинчи таймларнинг ҳар бири 5 дақиқадан, улар орасидаги танаффус эса 2 дақиқадан иборат бўлади. Шундан кейин ҳам ғолиб аниқланмаса, ўйин қоидалари асосида жамоалар 6 метрлик нуқтадан дарвозага 5 тадан зарба йўллайди. Шундан кейин ҳам ғолибни аниқлашнинг имкони бўлмаса, серия ғолиб аниқлангунича давом этади.

17.3. Учрашув олди жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади (учрашув стартигача):

- 120 дақиқа — ЎзПФЛ комиссарининг спорт мажмуасига келиши;
- 60 дақиқа — инспектор ва ҳакамларнинг келиши;
- 60 дақиқа — жамоаларнинг келиши;

- 30 дақиқа — учрашув қайдномасини тұлдириш, футзалчиларнинг лицензияларини солишириш;
- 20-10 дақиқа — чигалёзді машғулотлари;
- 10 дақиқа — футзалчилар либоси ва улардаги белгилар текшируви, рақамларнинг лицензияга мувофиқлиги;
- 3 дақиқа — жамоаларнинг трибуна ости йүлакчасида сафланиши.

Клублар ҮзПФЛ томонидан тақдим этилган Countdown тартибиға қатырып, риоя қилиши лозим.

17.4. Мусобақа иштирокчилари ҮзПФЛ томонидан бепул тақдим этилған профессионал футзал түпларидан фойдаланиши шарт. Мавсум стартидан олдин ҮзПФЛ Олий лига, Биринчи лига ва аёллар жамоаларининг ҳар бирига 5 тадан түп тақдим этади. Мусобақаның номинал мезбони учрашув учун мазкур түпларни комиссарға тақдим этади ҳамда үйин сүнгіда уни қайтариб олади.

17.5. Учрашув бошланишидан 30 дақиқа аввал клуб расмийси электрон қайдномага футзалчиларнинг исми-фамилияси ва рақамларини үсиш тартибіда, расмий шахсларнинг исми-фамилияси ва лавозимини лицензияда күрсатылған бүйіча киритиш учун учрашув комиссарыға футзалчи ва расмий шахслар лицензиясини тақдим этиши лозим.

17.6. Мусобақа иштирокчилари учрашув қайдномасыга 5 нафар асосий ва 9 нафар захира футзалчисини киритиши мүмкін. Шуныңдек, қайдномадан ҮзПФЛ лицензияға эга бўлган 5 нафаргача расмий шахс жой олиши мүмкін. Расмий шахслар орасида клуб шифокорининг бўлиши мажбурийдир. Захира ўриндиғига учрашув қайдномасида бўлмаган шахс қўйилмайди.

17.7. Учрашув қайдномасыга дисквалификация қилинган футзалчини кириктган жамоага:

- ғалаба қозонса ёки үйин дуранг билан якунига етса, унга 0:5 ҳисобидаги техник мағлубият ёзилади ҳамда клубга ҮФА Интизом кодексига мувофиқ жарима солиниши мүмкін. Рақиб жамоага эса 5:0 ҳисобидаги техник ғалаба ёзилади. Шу билан бирга, ушбу учрашувда урилган голлар бекор қилинади, олинган огоҳлантириш ва четлаштиришлар ўз кучида қолади;
- жамоа мағлуб бўлган тақдирда огоҳлантириш ва четлаштириш ўз кучида қолади ва жамоага 0:5 ҳисобида мағлубият ёзилади (ҮФА Интизом кодексига мувофиқ жарима солиниши мүмкін). Агар үйин ҳисоби 0:5 дан йирикроқ бўлса, техник мағлубият мавжуд ҳисоб билан қайд этилади;
- бундай ҳол такрорланса, ҮФА тегишли қўмитаси мазкур ҳолатни ўрганиб чиқади ва ўз хulosасини тақдим этади;
- учрашув қайдномасыга спорт мажмуаси ҳудудига етиб келмаган футзалчини киритиш тақиқланади. Спорт мажмуасыга кечикиб етиб келган футзалчини қайдномага учрашувга 15 дақиқа қолгунига қадар киритиш мүмкін. Бунинг учун клуб расмийси учрашув комиссарыга мурожаат қилиши керак.

17.8. Номинал мезбон қайдномани биринчи бўлиб тұлдиради. Жамоа номидан қайдномани имзолашга учрашув қайдномасыга киритилған бош мураббий ёки

ёрдамчи мураббий ҳақлидир. Қайдномада клуб шифокорининг ҳам имзоси бўлиши шарт. Акс ҳолда жамоага нисбатан жарима интизом чораси қўлланилади.

17.9. Жамоа учрашувга белгиланган вақтдан кечикиб келса, ўйин комиссари учрашувни ўз вақтида ўтказиш учун барча чораларни кўриши зарур. Агар учрашувни белгиланган вақтда ўтказишнинг имкони бўлмаса, ЎзПФЛ комиссияси барча тафсилотларни ўрганиб чиқиб, сўнг ушбу учрашув бўйича қарор қабул қиласди. Жадвалда белгиланган учрашув кечиктирилишида айбдор клуб ЎФА "Интизом кодекси"га мувофиқ жаримага тортилади. Жамоалардан бири ўйин бошланиш вақтидан 30 дақиқа кечикса, мазкур жамоага нисбатан 0:5 ҳисобидаги техник мағлубият ёзилади.

17.10. Лицензия учрашувда иштирок этиш ва тегишли зонага кириш хуқуқини берувчи ягона хужжат ҳисобланади. Бунда лицензия эгаси учрашув қайдномасига киритилган бўлиши шарт.

17.11. Учрашув стартидан олдин жамоалар сардорлари бош ҳакам ёрдамида тўп ва дарвоза масаласини ҳал қиласди. Бунда жамоа қайси дарвозани қўриқласа, шу жамоанинг захира ўриндиғи айнан ўша тарафда бўлиши шарт. Қайдномага киритилган шахсларнинг қўксига техник зонага киришга рухсат берадиган лицензия бўлиши лозим.

17.12. Зарур ҳолларда учрашув қайдномасига киритилмаган таржимон техник зонага кириши мумкин. Бунда таржимон учрашув комиссарининг рухсати билангина техник зонага киритилади.

17.13. Захира ўриндиғида ўтирган шахслар томонидан тамаки ва бошқа турдаги маҳсулотларни чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланади. Шунингдек, мобил алоқа воситаларидан фойдаланиш тақиқланади (маҳсус рухсат этилган радиоалоқа воситалари бундан мустасно).

Жамоа бош мураббии техник зонада шиппак, шорт ҳамда енгизи футболкада бўлиши тақиқланади.

17.14. Учрашувлар ЎзПФЛ томонидан белгиланган муддат ва вақтларда ўтказилади. Уларнинг вақти (кун ва соат) қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

- олдиндан тахмин қилишнинг имкони бўлмаган форс-мажор вазият ва ҳодисаларнинг юзага келиши натижасида учрашувни ўтказиш бошлаш давом эттириш, қайта бошлаш ва тугатиш имкони бўлмаганида. Бундай ҳодисалар қаторига авария, ёнғин, сув тошқин, зилзила, эпидемиологик ва бошқа табиий оғатлар, шунингдек, мусобақа ташкилотчилари ва футзалчиларга боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа тафсилотлар киради. Бундай ҳолатларда учрашувнинг қачон давом эттирилиши масаласи ЎзПФЛ томонидан белгиланади. Унинг қай тартибда давом этиши "Футзал ўйини қоидлари-2021" асосида тартибга солинади;
- мусобақа жадвалига ЎзПФЛ томонидан ўзгартириш киритилганида.

17.15. Электр ёритиш тизими ишдан чиқиши ёки электр ёритиш тизимидаги муаммо бир соат ичida бартараф этилмагани учун учрашувни бошлаш давом

эттириш, қайта бошлаш ва тугатиш имкони бўлмаса, спорт мажмуасининг техник ҳолати ва электр ёритиш тизими ишдан чиқиши сабаби билан майдон эгаси бўлган клубга техник мағлубият ёзилади (марказлашган мусобақалар бундан мустасно).

17.16. Маълум Мусобақа учрашувида олинган сариқ карточкалар фақатгина шу Мусобақа учун амалда бўлади. Мусобақа давомида сариқ карточкалари сони 4 тага етган шахсни шу Мусобақанинг кейинг расмий учрашуви қайдномасига киритиш мумкин эмас. Ўзбекистон кубоги мусобақасида эса сариқ карточкалари сони 2 тага етган шахс шу мусобақанинг навбатдаги учрашуви қайдномасига киритилиши мумкин эмас.

Кетма-кет 4 та сариқ карточка олингани сабабли учрашувларни ўтказиб юбориш ҳолати бир шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ марта тақорланса, унинг жамоасига нисбатан жарима интизом санкцияси қўлланилади.

17.17. Мусобақанинг бир учрашувидан кетма-кет икки сариқ карточка сабаб четлаштирилган шахс кейинги расмий учрашув қайдномасига киритилиши мумкин эмас. Бунда асосий жамоанинг бир учрашувидан кетма-кет икки сариқ карточка сабаб майдондан четлаштирилган шахс U-18 чемпионати доирасидаги расмий ўйин қайдномасига киритилмаган тақдирда ҳам, асосий таркибининг навбатдаги учрашуви қайдномасига киритилишга ҳақли эмас.

U-18 чемпионатидаги битта учрашувдан кетма-кет икки сариқ карточка сабаб майдондан четлаштирилган шахс, жамоа асосий таркибининг навбатдаги учрашуви қайдномасига киритилиши мумкин эмас. У, шунингдек, U-18 жамоасининг навбатдаги учрашувини ҳам ўтказиб юбориши шарт. Яъни, ҳар икки ҳолатда ҳам икки сариқ карточка сабаб четлаштирилган шахс, айнан шу мусобақанинг 1 та расмий учрашувини ўтказиб юбориши лозим.

Бир учрашувдаги икки сариқ карточка сабаб майдондан четлаштирилган шахс жамоасининг навбатдаги расмий учрашуви Ўзбекистон кубогига тўғри келса, у мазкур ўйин қайдномасига киритилмайди ва ундан кейинги расмий учрашувда иштирок этиш тақиқи олиб ташланади.

Ўзбекистон кубоги мусобақасининг исталган ўйинида икки сариқ карточка сабаб майдондан четлаштирилган шахс кубок ёки чемпионат доирасидаги 1 та расмий учрашув қайдномасига киритилмайди. Шунингдек, мазкур шахс ўша 1 та расмий учрашув ўтгунига қадар U-18 чемпионати учрашувида ҳам иштирок эта олмайди.

17.18. Учрашув давомида тўғридан-тўғри қизил карточка олган шахс иши Тартиб-интизом қўмитасига оширилади ҳамда у минимум икки расмий учрашувни ўтказиб юборади (сўнгги умид фоли учун четлаштириш бундан мустасно). Тартиб-интизом қўмитаси қарори чиққунича ёки чиққан қарор муддати ўтгунига қадар мазкур шахс ҳеч бир учрашувда иштирок эта олмайди.

18-боб. Футзал клублари, клублар раҳбарлари ва футзалчиларнинг мажбурияти

18.1. Футзал клублари ўзларининг ушбу Регламентда белгиланган мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

18.2. Футзал клублари, клублар раҳбарлари, расмий шахслари, футзалчилар ва клубларнинг мусобақаларда иштирок этувчи бошқа ходимлари (кейинги ўринларда — клуб расмий шахслари) юқори даражадаги интизом, тартиблилик, уюшқоқлик, ўзаро ва томошабинларга нисбатан ҳурматни намойиш этиб, ушбу Регламентнинг барча талабларига риоя қилишлари шарт.

18.3. Клуб ўз жамоаси аъзоларининг хулқ-атвори учун бевосита масъулдир. Улар учрашув комиссари, инспектори ва ҳакамларининг (кейинги ўринларда — учрашув расмий шахслари) ҳаракатларига аралашиши тақиқланади.

18.4. Футзал клублари ўзларининг томошабинлари (жамоа мухлислари), шунингдек, клуб номидан бирор-бир учрашувда муайян вазифани бажараётган ҳар қандай шахс хулқи учун ҳам жавобгардир.

18.5. Клублар расмийлари ҳамда спорт мажмуаси расмийлари учрашув ўтказилиши билан боғлиқ зарур ташкилий масалаларни ҳал этиш учун масъулдир. Улар учрашув хавфсизлиги ҳамда тез тиббий ёрдам учун масъул органлар билан ҳамкорликда учрашувдан олдин, учрашув давомида ва учрашувдан кейин спорт мажмуасида, унга тулашган ҳудудда интизом ҳамда жамоатчилик тартибини сақлаш учун барча зарур чораларни кўришлари шарт.

18.6. Футзал клублари ўзига нисбатан чиқарилган огоҳлантириш ва четлатишларни қайд этиш журналига эга бўлиши керак. Дисквалификацияси бор футзалчининг майдонга туширилгани учун клуб бевосита жавобгар ҳисобланади.

18.7. Футзал клублари ҳалқаро турнир ёки хориждаги ўқув-машғулот йиғинларининг муддати ва жойи аниқ бўлиши билан бу ҳақда ЎзПФЛни хабардор қилишлари шарт.

18.8. Мезбон жамоа Мусобақаларнинг расмий календарь учрашуви бошлангунга қадар 20 кундан кеч бўлмаган муддатда ЎзПФЛ маъмуриятига учрашувнинг бошланиш вақти борасида таклиф бериши зарур. ЎзПФЛ учрашув вақтини телетрансляция ҳуқуқини қўлга киритган компания билан келишиб белгилайди.

18.9. Марказлашган мусобақалар саналари қатъий бўлиб, уни ўзгартириш ҳуқуқи фақатгина ЎзПФЛда мавжуд. Клуб учрашув соатини ўзгартироқчи бўлса, тегишли сўров батафсил асосланган ёзма шаклдаги мурожаат билан календарь бўйича режалаштирилган муддатдан камида 3 кун олдин ЎзПФЛга юборилиши зарур.

18.10. Фавқулодда ҳолатларда ҳамда эпидемиологик вазиятларда мусобақаларнинг ташкилий масалалари қўшимча Регламент билан тартибига солинади.

18.11. Регламентга риоя қилмаганлиги учун футзал клубларига нисбатан ЎФАнинг "Интизом кодекси"га мувофиқ ЎзПФЛ томонидан жарима санкциялари қўлланилади.

19-боб. Мусобақа иштирокчиларининг либослариға қўйиладиган талаблар

19.1. Мусобақа иштирокчиларининг футболкасиға футзал клубининг рамзи туширилади. Рамзниңг ўлчамлари 100 см² бўлиб, у футболканинг тепа қисми чап тарафида жойлашади. Клуб ҳар бешинчи чемпионлик мақомига эга бўлганида клуб рамзининг тепа қисмидаги бир дона олтин юлдуз рамзини акс эттириш ҳуқуқига эга.

19.2. Футболканинг ўнг енгидаги ЎзПФЛ логотипи, чап енгидаги эса ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган Мусобақа титул ҳомийсининг рамзи бўлиши лозим.

19.3. Футболка орқа томонининг тепа қисмидаги ЎзПФЛ лицензияси ва ариза варақасида кўрсатилган (баландлиги 5–8 см. "Jersey M54" шрифтида) футзалчининг фамилияси (исми ёки таҳаллуси) акс этган ёзув ҳамда футзалчининг лицензиясида кўрсатилган футболка рақами (баландлиги 25–35 см "Jersey M54" шрифтида) бўлади. Шортининг ўнг томонидаги футзалчининг футзалкасидағи рақам акс эттирилади (баландлиги 10–15 см).

Аралаш рангли футболкада фамилия (исм ёки таҳаллус) ва рақам алоҳида рангдаги тўғри тўртбурчак ёки футболка рангларига пропорционал рангда кўрсатилади. Футзалчининг фамилияси (исм ёки таҳаллус) ва рақами ёзуви бир хил рангда бўлиб, спорт мажмуасида мухлислар, телетомошабинлар ва ОАВ вакиллари ўқиши учун осон бўлиши тавсия этилади (оч рангли футболкаларга тилла ранг билан рақам ва фамилия ёзиш тақиқланади). Бунда U-18 ҳамда фарм-клуб жамоалар формаси асосий жамоа формаси билан бир хил бўлиши талаб этилади. Шунингдек, U-18, фарм-клуб ҳамда асосий таркиб футзалчиларининг рақами бир-бирини тақрорламаслиги лозим. Яъни, асосий таркибда майдонга тушмоқчи бўлган U-18, фарм-клуб аъзосида бошқа янги либосга эҳтиёж қолмаслиги керак.

19.4. Футзалчининг футболкадаги фамилияси ўзбек тилида лотин ёзувида кўрсатилиши лозим. Халқаро майдонда ўйнайдиган клубларгагина фамилияни (исм ёки таҳаллус) инглиз тилида ёзишга руҳсат берилади.

19.5. Клублар рўйхатдан ўтиш олдидан ЎзПФЛга янги мавсум учун либосларнинг 3D форматини тақдим этиши, Мусобақа стартига 10 кун вақт қолгунича футзалчилар ва дарвозабонлар либосларининг асосий ва резерв ранглари ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этиши лозим (марказлашган мусобақага клуб ҳам асосий, ҳам захира либоси билан келиши шарт).

19.6. ЎзПФЛ жамоалар либосларининг рангини белгилайди.

19.7. Дарвозабон либоси иккала жамоа футзалчилари ва ҳакамлар либосидан фарқланиши лозим.

20-боб. Футзал клубларининг ОАВ билан ишлашига оид талаблар

20.1. ЎзПФЛ бош ахборот ҳамкорини белгилаш ҳуқуқига эга.

20.2. Футзал клуби ўз расмий сайтига эга бўлиши тавсия этилади.

20.3. Матбуот хизмати бошқа клуб, шунингдек, ЎзПФЛга алоқадор маълумотни рухсатсиз чоп этишга ҳақли эмас. Ушбу талабга риоя этмаслик интизомий санкция қўлланилишига асос бўлади.

20.4. Клублар матбуот хизмати ўз уйида ўтказилган учрашувлардан фотосуратларни ЎзПФЛ матбуот хизмати талабига кўра тақдим этиши лозим.

20.5. Дарвозалар чизиги ортида фақат аккредитациядан ўтган, махсус нимча кийган теле ва фотомухбирлар туришига рухсат берилади. Уларнинг учрашув давомида ҳаракатланиши тақиқланади.

20.6. Футзалчи ва мураббийлар учрашувдан олдин ва кейин бўладиган флеш-интервьюда иштирок этиши шарт. Трансляция ҳуқуқини қўлга киритган компания учун флеш-интервью беришдан бош тортган футзалчи ёки мураббий клубига нисбатан жарима қўлланилади.

21-боб. Мусобақаларни ўтказиш формати

21.1. Олий лига мусобақаси жами 12 тур ва 33 та ўйиндан иборат уч даврали тизимда ўтказилади.

21.2. Олий лигада 12-ўринни эгаллаган жамоа 2023/24 йилги мавсум учун қуий лигага туширилади. Олий лигада 11-ўринни эгаллаган жамоа Биринчи лигада 2-ўринни эгаллаган жамоага қарши иккита ғалабагача давом этадиган ўтиш ўйинида иштирок этади. Ўтиш ўйини жойи ЎзПФЛ томонидан ҳал қилинади.

21.3. Биринчи лига мусобақаси формати жамоалар сонидан келиб чиқиб шакллантирилади ва бунда ҳар бир жамоа қолган жамоалар билан ўзаро уч мартадан тўқнаш келиши инобатга олинади.

21.4. Биринчи лига ғолиби 2023/24 йилги мавсумни Олий лигада ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритади. Биринчи лигада 2-ўринни эгаллаган жамоа Регламентнинг 21.2-банди асосида ўтиш ўйинида иштирок этади.

21.5. U-18 чемпионати ва аёллар чемпионати формати иштирокчи жамоалар сонидан келиб чиқиб, алоҳида Низом билан тартибга солинади.

21.6. Ўзбекистон кубоги мусобақасида Олий лига ва Биринчи лига клубларининг иштирок этиши мажбурий ҳисобланади. Ҳолатга қараб ҳаваскор клублар мусобақада иштирок этиши мумкин. Умумий иштирокчилар сонидан келиб чиқиб, мусобақа алоҳида Низом билан тартибга солинади.

21.7. Янги мавсум аввалида ўтган мавсум натижаларига кўра Ўзбекистон Олий лигасида ҳамда мамлакат кубогида ғолиб чиқсан жамоалар Суперкубок учун баҳс олиб боради. Бунда агар чемпион ҳамда кубок соҳиби битта жамоа бўлса, Суперкубок ўйинидаги иккинчи жамоа мамлакат вице-чемпиони бўлади.

Суперкубок ўйинида асосий вақт дуранг билан якунига етса, Регламентнинг 17.2-банди ишга тушади.

22-боб. Мусобақа ғолибларини аниқлаш

22.1. Жамоаларнинг мусобақадаги ўринлари тўпланган очколар йиғиндисига кўра аниқланади. Учрашувдаги ғалаба учун 3 очко, дуранг учун 1 очко, мағлубият учун 0 очко ёзилади.

22.2. Иккита ва ундан кўп жамоалар тўплаган очколар тенг бўлиб қолса, жамоаларнинг ўрни қўйидагича аниқланади:

- ўзаро учрашув(лар) натижасига кўра (олинган очколар, ўзаро ўйинда урилган ва ўтказиб юборилган тўплар фарқи, умумий жадвалда урилган ва ўтказиб юборилган тўплар фарқи, умумий жадвалда урилган голлар сони);
- агар юзма-юз учрашув(лар)да техник мағлубиятга учраган жамоа(лар) энг қўйи ўринни эгаллайди;
- барча учрашувларда эришилган ғалабалар сонига кўра;
- барча учрашувларда урилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига кўра;
- агар вазият чемпионни аниқлаб берадиган бўлса, у ҳолда мазкур банднинг сўнгги уч хатбошиси татбиқ этилмайди ҳамда бетараф майдонда “олтин” учрашув ўтказилади. Мазкур учрашувда ғолибни асосий вақтда аниқлашнинг имкони бўлмаса, Регламентнинг 17.2-банди ишга тушади.

22.3. Мусобақа иштирокчилари учун ЎзПФЛ матбуот хизмати томонидан тарқатиладиган материаллар мусобақаларнинг давом этиши ва натижаларини акс эттирадиган расмий маълумот ҳисобланади.

23-боб. Мусобақа ғолибларини тақдирлаш

23.1. Ўзбекистон Суперкубогида ғолиб бўлган клубга Суперкубок топширилади.

23.2. Ўзбекистон кубогида ғолиб бўлган клубга Ўзбекистон кубоги соврини топширилади. Шунингдек, жамоа аъзоларига ЎзПФЛ дипломи берилади.

23.3. Ўзбекистон кубогининг финал учрашувларида ишлаган ҳакамлар бригадаси ЎзПФЛ маҳсус нишони билан тақдирланади.

23.4. Ўзбекистон Олий лигасида 1-ўринни эгаллаган клубга Ўзбекистон чемпиони учун аталган кубок ҳамда 35 дона “олтин” медаллар тақдим этилади. Шунингдек, жамоа аъзоларига ЎзПФЛ дипломи берилади.

23.5. Агар чемпион муддатдан олдин аниқланса ҳам, кубок ҳамда медаллар клубга мусобақанинг ёпилиш учрашувида топширилади.

23.6. Ўзбекистон Олий лигасида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган клубларга 35 донадан “кумуш” ва “бронза” медаллар топширилади. Шунингдек, жамоа аъзоларига ЎзПФЛ дипломи берилади.

23.7. Биринчи лигада 1-ўринни эгаллаган клубга Биринчи лига кубоги тақдим этилади.

23.8. U-18 чемпионатида дастлабки уч ўринни қўлга киритган клубларга 30 донадан “олтин”, “кумуш” ва “бронза” медаллари берилади. Шунингдек, жамоа аъзоларига ЎзПФЛ дипломи берилади.

23.9. Аёллар чемпионатида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган клубларга 35 донадан “олтин”, “кумуш”, “бронза” медаллари берилади. Чемпион жамоа кубок билан тақдирланади. Шунингдек, жамоа аъзоларига ЎзПФЛ дипломи берилади.

23.10. Тақдирлаш атрибутикалари ЎзПФЛ ҳисобидан тайёрланади.

